**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти**
**юқори бошқарув органининг 15– сонли қарори**

Тошкент шаҳри 2017 йил “15” 03

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

ДАБМ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Ш.Н.Файзуллаев билан 2015 йил 31 декабрда тузилган Давлат улушини ишончли бошқарувга бериш бўйича 545-сонли шартномага асосан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қуйидаги масала бўйича қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Давлатнинг ишончли вакили Ш.Н.Файзуллаев томонидан қабул қилинади.

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ижроия органи таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**

Кун тартибидаги масала бўйича: “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси Ачилбай Жуманиязович Раматовнинг аҳбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 феврал 2017 йилдаги 45-сонли қарорига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ўринбосари Р.Х.Икрамовни лавозимидан озод қилиш тўғрисида, 46-сонли қарорига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ўринбосари этиб Д.Т.Дехканов тасдиқлаш ва шу сабабли жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилиш тўғрисида ва 47-сонли қарорига мувофиқ жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари этиб А.С.Шукуровни тасдиқлаш тўғрисида **қарор қабул қилади**:

1. Р.Х.Икрамов “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув расининг ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.
2. Д.Т.Дехканов “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув расининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилинсин ва Д.Т.Дехканов билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув расининг ўринбосари лавозимига меҳнат шартномаси тузилсин.
3. Бошқарув аъзолигига тайинланган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув расининг биринчи ўринбосари А.С.Шукуров билан меҳнат шартномаси тузилсин.

**Ягона акциядор ДАБМ вакили**
**Давлатнинг ишончли вакили**

**Шокир Насибуллаевич Файзуллаев**